

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ**  
**ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН**  
**БАРЧА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ**  
**МАЛАКАВИЙ ВА ШАХСИЙ ТАЛАБЛАР**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, банк, шунингдек юридик хизмат йўналишларида олий маълумотга эга бўлиш (хорижий ва халқаро олий ўқув юртларида таҳсил олган номзодларга афзаллик берилади).
2. Инглиз ва ўзбек тилларини билиш (IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар ижобий баҳоланади).
3. Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини билиш.
4. Меҳнатсеварлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш.
5. Профессional этикет, ҳамкасбларга ҳурмат билан қараш.
6. Муомала ва музокара маданияти.
7. Ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда таклифларини тақдим қила олиш қобилияти.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

**1-босқич:** Юқоридаги талабларга жавоб берадиган номзод **[aruziqulova@mineconomy.uz](mailto:aruziqulova@mineconomy.uz)** электрон манзилига ўзбек ва инглиз тилларидаги маълумотномасини (Иловага мувофиқ word шаклида) ҳамда нима учун айнан шу лавозимда ишлаш истаги борлиги тўғрисида иншо (эссе)ни ўзи мукамал билган хорижий (инглиз, немис, француз ва ҳоказо) ва ўзбек тилларида (камида икки варақда Times New Roman 13-шрифтида) ёзиб, **2021-йилнинг 11-январига** қадар юбориши керак.

**Бунда, иншо (эссе)ни хорижий тилда ёзиш фақат хорижий тилларни мукамал биладиган номзодлардан сўралади.**

**2-босқич:** **10** (ўн) иш куни ичида ишчи гуруҳи томонидан номзодларнинг маълумотномалари ва иншолар ўрганиб чиқилади. Қўйилган талабларга жавоб берган ва кейинги босқичга ўтган номзодлар билан **онлайн суҳбат ўтказиш куни** тўғрисида вазирликнинг **[www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)** расмий веб-сайтида эълон берилади.

**3-босқич:** Онлайн суҳбат ўтказилган кундан бошлаб **20** (йигирма) иш куни ичида танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар тўғрисида расмий веб-сайт орқали маълумот берилади.

**ДИҚҚАТ!!!**

**ҚУЙИДАГИ ХОЛЛАРДА НОМЗОДЛАРНИНГ АНКЕТАЛАРИ КЎРИБ  
ЧИҚИЛМАЙДИ:**

**- НОМЗОДЛАР ИЛОВАГА МУВОФИҚ МАЪЛУМОТНОМА БИЛАН ИНШО  
(ЭССЕ)НИ ТАҚДИМ ЭТМАГАН ХОЛЛАРДА;**

**- ИНШО (ЭССЕ)ЛАРИДА АЙНАН ҚАЙСИ ДЕПАРТАМЕНТ, ҚАЙСИ  
БОШҚАРМА ВА БЎЛИМДА ҲАМДА ЛАВОЗИМДА ИШЛАШ УЧУН ТАНЛОВДА  
ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ КЎРСАТИЛМАГАН ТАҚДИРДА;**

**- БОҒЛАНИШ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМИ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН  
МАНЗИЛЛАРИ АНИҚ КЎРСАТИЛМАГАНДА.**

Ишчи гуруҳ томонидан танлов ва танлов натижалари ҳақидаги барча  
маълумотлар фақат вазирликнинг [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) расмий веб-сайти орқали  
номзодларга етказилади.

*Ишчи гуруҳ билан боғланиш учун (+99871)232-64-29, (+99871) 232-65-40  
телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.*

## **МАЪЛУМОТНОМА** (14 шрифт)

**3x4 рангли  
фотосурат**

### **Ботир Баходирович Эшматов** (14-шрифт)

2012 йил 20 февралдан

**Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси**

**суд қарорларини ижро этиш бўлимнинг етакчи инспектори** (11-шрифт)

**Туғилган йили:**  
20.08.1985 (11-шрифт)

**Туғилган жойи:**  
Сирдарё вилояти  
Гулистон шаҳри  
(11-шрифт)

**Миллати:**  
Ўзбек (11-шрифт)

**Партиявийлиги:**  
Йўқ (11-шрифт)

**Маълумоти:**  
Олий (11-шрифт)

**Тамомлаган:**  
2006 й. Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
(бакалавр) (11-шрифт)

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**  
(11-шрифт)

Иқтисодчи  
(11-шрифт)

**Илмий даражаси:**  
Йўқ (11 шрифт)

**Илмий унвони:**  
Йўқ  
(11-шрифт)

**Қайси чет тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**  
рус, инглиз тилларини (11-шрифт)

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**  
Йўқ (11-шрифт)

**Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими  
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**  
Йўқ (11-шрифт)

## **МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** (14-шрифт)

2002-2006 йй. - Самарқанд Давлат университети талабаси (11-шрифт)

2006-2008 йй. - Сирдарё вилояти Гулистон туман суд ижрочилари бўлинмасининг суд ижрочиси  
(11-шрифт)

2008-2010 йй. - Сирдарё вилояти Боёвут туман суд ижрочилари бўлимнинг катта суд ижрочиси  
(11-шрифт)

2010-2012 йй. - Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш  
бўлимнинг инспектори (11-шрифт)

2012 й.-ҳ.в. - Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш  
бўлимнинг етакчи инспектори (11-шрифт)

## ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН

### **ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИГА**

#### **1. Бошқарма бошлиғи**

##### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

###### **Талаблар:**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, банк, шунингдек юридик хизмат йўналишларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиш;

2. Вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функция ва ваколатларини хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрганишлар олиб бориш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

3. Давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда таклифларни ишлаб чиқиш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

4. Хусусий секторга ўтказилган давлат функцияларининг самарадорлик жиҳатдан таҳлилинини ўтказган ҳолда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш ёндашувларига эга бўлиш.

###### **Вазифалар:**

1. Вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз функция ва ваколатларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни хусусий секторга ўтказиш нуқтаи назаридан таҳлил қилади;

2. Хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функцияларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини хусусий секторга мослаштирган ҳолда аниқлаштириш бўйича ишларни амалга оширади;

3. Давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий сектор фаоллигини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқади;

4. Давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

5. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартибини такомиллаштиради.

#### **2. Бошқарма бошлиғи ўринбосари**

##### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

###### **Талаблар:**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, банк, шунингдек юридик хизмат йўналишларида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиш;

2. Вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функция ва ваколатларини хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрганишлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш;

3. Давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда таклифларни ишлаб чиқиш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

4. Хусусий секторга ўтказилган давлат функцияларининг самарадорлик жиҳатдан таҳлилини ўтказган ҳолда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлай олиш кўникмаларига эга бўлиш.

### **Вазифалар:**

1. Вазирлик ва идоралар кесимида хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизмларини йўлга қўйишга қаратилган давлат функцияларининг ягона реестрини шакллантиради ҳамда уни юритади;

2. Давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий секторнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганади, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

3. Хусусий секторда зарур ресурслар ва инфратузилма, шунингдек малакали кадрлар мавжудлиги нуктаи назаридан таҳлил ўтказади;

4. Давлат функциялари амалга оширилганлиги натижалари бўйича хусусий секторнинг маълумотини умумлаштиради ва таҳлил қилади, шунингдек умумлаштирилган маълумотлар асосида улар амалга оширилганлигининг самарадорлиги ва сифатини баҳолайди;

5. Хусусий сектор томонидан давлат функциялари самарасиз ёки сифатсиз амалга оширилишида камчиликларни бартараф этиш ҳамда ўтказилган давлат функцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқади;

6. Хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятини юритиб боради.

### **3. Бош мутахассис**

#### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, банк, шунингдек юридик хизмат йўналишларида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиш;

2. Вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функция ва ваколатларини хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги нуктаи назаридан ўрганишлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш;

3. Давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда таклифларни ишлаб чиқишда иштирок эта олиш;

4. Хусусий секторга ўтказилган давлат функцияларининг самарадорлик жиҳатдан таҳлилини ўтказган ҳолда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартибини такомиллаштиришда иштирок этиш.

## **Вазифалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Вазирлик томонидан бериладиган кўрсатма ва топшириқларининг ўз муддатларида сифатли бажарилишини таъминлайди;

2. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишда қатнашади;

3. Хусусий секторга ўтказишга таклиф этилаётган давлат функцияларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини хусусий секторга мослаштирган ҳолда аниқлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этади;

4. Давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий сектор фаоллигини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

5. Мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди.

## **4. Етакчи мутахассис**

### **Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**

#### **Талаблар:**

1. Вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функция ва ваколатларини хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрганишлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш;

2. Давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда таклифларни ишлаб чиқишда иштирок эта олиш;

3. Хорижий илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда ишларни ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш ва раҳбарият топшириқларини сифатли ва ўз вақтида бажариш.

#### **Вазифалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Вазирлик томонидан бериладиган кўрсатма ва топшириқларининг ўз муддатларида сифатли бажарилишини таъминлайди;

2. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишда қатнашади;

3. Хусусий секторга ўтказишга таклиф этилаётган давлат функцияларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини хусусий секторга мослаштирган ҳолда аниқлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этади;

4. Давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий сектор фаоллигини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

5. Мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан